

А Ж Р И М  
(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини  
харакатдан тугатиш тўғрисида)

2022 йил декабрь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Н.Саломов, Б.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бешариқ туман прокурори катта ёрдамчиси С.Ортиқов, гумон қилинувчи А.Абдуллаевнинг ҳимоячиси “Ҳуқуқий муносабат” адвокатлик бюроси адвокати Д.Назирова, гумон қилинувчи Абдуллаев Абдурауф Садулла ўғли ва жабрланувчи вакили Ортиқов Ахроржон Иномжон ўғли иштирокида,

Абдуллаев Абдурауф Садулла ўғли (Abdullaev Abdurauf Sadulla o'g'li) 17.12.1993 йилда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, маълумоти ўрта-махсус, ёлланма ишчи, мукаддам судланмаган, Бешариқ тумани, Бешкапа МФЙ, А.Яссавий кўчаси 12-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси қўлланилмаган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 268-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи Абдуллаев Абдурауф Садулла ўғлига оид №1-1506-2202/403-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А н и қ л а д и:

Абдуллаев Абдурауф Садулла ўғли 2022 йил 10 ноябрь куни соат 14:30 ларда Бешариқ тумани, Бешкапа МФЙ, А.Яссавий кўчаси 11-уйда яшовчи ўзининг бошқарувидаги, ўртоғи Ортиқов Акмалжон Иномжон ўғлига тегишли бўлган электротрициклини “Яккатут-Оқмасжид” йўналишидаги автомобиль йўлида Бешкапа қишлоғидан Қорабўйин қишлоғи томон бошқариб кетаётиб, собиқ Яккатут ширкат хўжалиги устахонаси биноси рўпарасига етиб келган вақтида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 9-банди 2-қисм 6-кичик бандидаги Мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётган ҳайдовчи ва йўловчилар махсус мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари шарт; 11-банди 1-қисми “д” кичик бандидаги транспорт воситаси ҳаракатланишни бошланишидан олдин хавфсизлик камарини тақиш (Ушбу Қоидаларнинг 9-бандида назарда тутилган ҳоллардан ташқари), мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётганда эса махсус мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари зарур; 77-банди 1-қисмидаги Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак; 77-банди 3-қисмидаги Ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак деб



кўрсатилган талабларни бузиб, бошқарувни йўқотиб, йўл ёқасидаги зовурга тушиб кетиши натижасида ўзи ва электро трициклнинг юкхонасида йўловчи сифатида кетаётган Ортиқов Акмалжон Иномжон ўғли ва Абдуллаев Абдурауф Саъдулла ўғиллари тан жароҳати олиб, Бешариқ тумани Тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган.

Ўтказилган суд-тиббий экспертларининг 21.11.2022 йилдаги №7760-сонли хулосасига асосан фуқаро Ортиқов Акмалжон Иномжон ўғлининг танасида чап билак суягининг ёпиқ синиши, ва юмшоқ тўқималарининг лат ейиши аниқланиб, мазкур тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра соғлиқнинг узоқ (21 кундан кўп, лекин 4 ойдан кўп бўлмаган) муддатга бузилишга олиб келган ЎРТАЧА ОҒИР шикастлар тоифасига кириши кўрсатиб ўтилган.

Жабрланувчи вакили А.Ортиқов жиноят иши юзасидан ярашувга розилик билдириб, ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи А.Абдуллаев айбига иқрор бўлиб, содир этган қилмиши юзасидан кечирим сўраганлигини, акасини даволаниши билан боғлиқ барча сарф-харажатларни тўлиқ қоплаб берганлигини, улар ўзаро келишиб олишганлигини, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи А.Абдуллаев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 268-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи А.Ортиқов ва гумон қилинувчи А.Абдуллаевни ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, тарафларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи А.Абдуллаевнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хохишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 268-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, А.Абдуллаевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586 моддаларига амал қилиб, суд

А ж р и м қ и л д и:



Ўзбекистон Республикаси ЖК 268-моддасининг 1-қисми билан айбланган Абдуллаев Абдурауф Садулла ўғли ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилсин.

Абдуллаев Абдурауф Садулла ўғлига нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Ажрим устидан тарафлар йигирма кун ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

*Ажрим нусхаси аслига тўғри.*

Раислик қилувчи:

Н.Саломов

